


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ўзкимёсаноат” АЖ

Бошқарув раиси

Ж.Т.Мирзамахмудов



“Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг тармоқ корхоналари томонидан  
харидларни замонавий усулларда амалга ошириш тартиби  
тўғрисидаги

## 1/1-сонли ХАРИДЛАР СИЁСАТИ

### I. Умумий қоидалар

1.1 Ушбу Харидлар сиёсати, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги **ЎРҚ-684**-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги **ПҚ-3953**-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги **ПҚ-4302**-сонли “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги **ПҚ-4544**-сонли “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги **ПҚ-4812**-сонли “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги **ПҚ-5171**-сонли “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майдаги **3016-сон** билан рўйхатдан ўтказилган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги **833-сонли** “Санфат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ўзкимёсаноат”

АЖ ва унинг тармоқ корхоналари харид тизими ва харид комиссиясининг (бундан буён матнда Харид комиссияси деб юритилади) асосий мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш тартиби ва савдоларни ўтказиш тартиб-таомилларини белгилайди.

1.2 Давлат буюртмачиси томонидан товар (иш, хизмат) харид қилиш механизми мазкур харидлар сиёсатининг 1-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

1.3 Мазкур Харидлар сиёсатида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Давлат буюртмачиси** – “Ўзкимёсаноат” АЖ, унинг тармоқ корхоналари ҳамда мазкур муассасалар улуши бўлган корхона ва идоралар;

**Энг яхши таклифларни танлаш** — харид қилиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таққослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

**Танлов таклифи** — танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ иштирокчининг танлов предметига нисбатан тақдим этиладиган таклифи;

**Лот** — турли белгилари бўйича гуруҳлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг жамланмаси сифатида давлат буюртмачиси томонидан белгиланган ва алоҳида шартнома бўйича харид предметининг миқдорий қисми;

**Шахсий кабинет** — электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, давлат буюртмачиси ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг махсус ахборот порталдаги индивидуал саҳифаси;

**Захира ижрочиси** — харид қилиш тартиб-таомиллари якунига кўра харид комиссиясининг қарорига мувофиқ ғолиб деб топилган иштирокчининг таклифидан сўнг таклифи энг мақбул деб топилган иштирокчи;

**Махсус ахборот портали** (бундан буён матнда портал деб юритилади) — операторнинг давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари якунлари, харид

қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек электрон давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва махсус электрон платформаси;

тендер таклифи — тендер ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тендер предметига нисбатан иштирокчининг таклифи;

## **II Энг яхши таклифларни танлаш**

### **Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш мезонлари**

2.1 Энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи берилса, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлаш орқали амалга оширилади. Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг баравари миқдоридан ошган ҳолларда давлат харидига доир техник топшириқлар қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасига (бундан буён матнда Комплекс экспертиза қилиш маркази деб юритилади) киритилади.

Танлаш мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### **Танлашни ўтказишда харид комиссияси**

2.2 Давлат харидини танлаш орқали амалга ошириш учун давлат буюртмачисининг ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

Танлашни ўтказишда харид комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши лозим, ҳар бир мажлис ва қабул қилинган қарор баённомалар билан расмийлаштирилиши керак.

### **Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон**

2.3 Танлаш воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан чекланмаган миқдордаги шахсларга махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек давлат буюртмачисининг хоҳишига кўра — унинг расмий веб-сайтига ёки унинг юқори турувчи органининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи бериладиган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон фақат давлат харидига доир техник топшириқ бўйича Комплекс экспертиза қилиш марказининг ижобий хулосаси олинганидан кейин жойлаштирилади.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари давлат буюртмачиси томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида беш иш куни олдин махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек давлат буюртмачисининг хоҳишига кўра — ўзининг расмий веб-сайтига ёки ўзининг юқори турувчи органининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланганига нисбатан узоқроқ муддатга жойлаштиришга ҳақли.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон қуйидаги ахборотларни ўз ичига олиши керак:

танлашни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошланғич нархи;

танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили;

иштирокчиларга қўйиладиган талаблар;

давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон ва (ёки) танлашда иштирок этиш учун таклиф қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ахборотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

### **Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари**

2.4 Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш билан бир вақтда давлат буюртмачиси томонидан жойлаштирилади.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;

ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари ҳақидаги ахборот;

танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;

иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

техник топшириқ;

ушбу Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;

танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида давлат буюртмачиси ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда давлат буюртмачиси турли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун танлашнинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир товар (иш, хизмат) учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун ғолиб харид қилиш тартиб-таомилининг шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

### **Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби**

2.5 Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

### **Танлашни ўтказиш**

2.6 Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади. Бунда давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши ёхуд электрон дўкон (ушбу Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонлар доирасида) ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин.

Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошланғич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш икки босқичда амалга оширилиши мумкин.

Суммаси бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридан ошмайдиган танлаш харид комиссиясининг иштирокчисиз ўтказилиши мумкин, бироқ бир молия йилида бир корпоратив буюртмачи учун базавий ҳисоблаш

миқдорининг бир минг баравари миқдоридаги суммадан кўп бўлмаслиги керак. Бунда ғолиб давлат буюртмачиси томонидан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирмасдан, очиқ ахборот манбаларидан олинган нархларни солиштириш йўли билан ёки товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) потенциал етказиб берувчиларидан нархларни сўраш йўли билан аниқланади. Расмийлаштирилган ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир қўшимча келишувлар тўғрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

### **Танлаш ғолибини аниқлаш**

2.7 Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

### **Танлаш натижаларини расмийлаштириш**

2.8 Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.

Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишни рад этган бўлса, давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши ёхуд электрон дўкон (ушбу Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонлар доирасида) ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин.

### **III Электрон тендер ўтказиш тартиб-таомиллари**

#### **Электрон тендер орқали давлат харидларини амалга ошириш шартлари ва харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш**

3.1 Электрон тендер ўтказиш учун давлат буюртмачиси ҳузурида тоқ сонли (етти кишидан кам бўлмаган) аъзолардан иборат харид комиссияси тузилади.

3.2 Харид комиссияси аъзоларининг таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади ҳамда олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

3.3 Электрон тендер хўжалик фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси давлат буюртмачисининг вакиллари орасидан, зарур бўлган тақдирда овоз бериш ҳуқуқига эга экспертлар жалб этилган ҳолда шакллантирилади.

3.4 Харид комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “ЎзИнжиниринг” Республика лойиҳалаштириш институти вакиллари киритилиши шарт.

3.5 Харид комиссияси давлат буюртмачисининг тегишли қарорлари билан шакллантирилади ва тарқатиб юборилади.

3.6 Электрон тендер ўтказиш бўйича харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкиллаштиради.

Харид комиссиясининг масъул котиби:

иштирокчиларнинг таклифларини тендер ҳужжатларининг расмийлаштириш талабларига мос келиши бўйича текширишни амалга оширади ва текшириш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

тасдиқланган мезонлар бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш натижаларини электрон тизимда жойлаштиради.

3.7 Давлат буюртмачиси харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун электрон тизимда шахсий кабинет очади.

3.8 Харид комиссиясининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг электрон тизим томонидан ёпиқ чат орқали мулоқот қилиш имконияти таъминланади.

3.9 Электрон тизимдаги шахсий кабинетга биринчи маротаба кирилаётганда харид комиссиянинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан унинг раиси иштирокчилар билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиши шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича жавобгар бўлади.

3.10 Харид комиссияси аъзоларида иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

Иштирокчиларнинг харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда харид комиссияси аъзоларининг ушбу иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлганда тизим ушбу харид комиссияси аъзосининг овозини мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташлайди.

3.11 Харид комиссияси раисининг аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, электрон тендерни ўтказиш жараёни давлат буюртмачиси томонидан янги харид комиссияси раиси тайинлангунигача қадар тўхтатилади.

3.12 Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссияси аъзоси қарши овоз берганда электрон баённомада шарҳ қолдириши шарт. Белгиланган муддатларда харид комиссия аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бош тортган тақдирда, унинг овози бетараф сифатида қабул қилинади. Харид комиссия раиси овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

### **Электрон тендер ўтказишда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш**

3.13 Давлат буюртмачиси томонидан электрон тендер ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг давлат буюртмачисининг мутахассислари ёки электрон тендерни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан тендер ҳужжатларининг, шартнома ва электрон тендер ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

3.14 Электрон тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги ахборот бўлиши керак:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва нархи;

электрон тендер ўтказадиган операторнинг номи ва унинг веб-сайтига ҳавола;

электрон тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсининг ёки бошқа ходимларининг Ф.И.О., лавозими ва манзили;

тендер таклифларини бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

тендер таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар.

Электрон тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ахборот ҳам бўлиши мумкин.

3.15 Тендер ҳужжатларида қуйидагилар бўлиши керак:

электрон тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;

шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;

электрон тендерда иштирок этиш учун тендер таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги бўйича талаб;

электрон тендер иштирокчиси тендер таклифининг техник ва нархга оид қисми, уларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги ахборот;

электрон тендер иштирокчиларига тендер ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

техник топшириқ;

Қонунга мувофиқ иштирокчиларнинг тендер таклифларини баҳолаш усуллари, мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

Тендер ҳужжатларида электрон тендер иштирокчилари малакасига оид талаблар назарда тутилиши мумкин.

3.16 Тендер таклифининг техник ва нарх қисми бўйича давлат буюртмачисининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

Тендер ҳужжатларида балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи электрон тендердан четлатилади.

Тендер таклифининг техник қисми учун миқдорий кўрсаткичлардан (малакали мутахассислар сони, етказиб бериш

муддати, иш тажрибаси ва бошқалар) ёки эксперт баҳосидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

Балл усулидан фойдаланганда тендер таклифининг техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг таклифи тендер ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

Тендер ҳужжатларида белгиланган мезонлар ўта муҳим қийматга эга бўлиши мумкин. Бунда тендер таклифининг белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини электрон тендернинг ҳар қандай босқичида четлатилишига олиб келади.

Шартнома суммаси (нархи) тендер таклифи нарх қисмининг ягона мезони ҳисобланади.

3.17 Давлат буюртмачиси тендер ҳужжатларини келишиш учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

3.18 Харид комиссияси ўзининг юзма-юз мажлисида ёки масофадан туриб тендер ҳужжатлари лойиҳасини Қонун талабларига мувофиқлиги бўйича кўриб чиқади ва қуйидагиларни белгилайди:

тендер таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;

тендер таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари;

тендер таклифи қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймати;

тендер таклифини таъминлаш ҳажми ва шакли.

3.19 Электрон тендер ўтказишни амалга ошириш ҳақидаги эълон қўшимча равишда давлат буюртмачисининг расмий веб-сайтида ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилиши мумкин.

3.20 Зарур бўлган ҳолларда давлат буюртмачиси томонидан тендер таклифларини бериш муддати узайтирилиши ёки электрон тендер иштирокчиларига тендер таклифлари қабул қилиниши муддати харид комиссияси қарори билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

### **Электрон тендер натижаларини сарҳисоб қилиш**

3.21 Уч ёки ундан ортиқ электрон тендер иштирокчилари — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари

давлат буюртмачисининг танловига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

3.22 Электрон тендерда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлов ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда давлат буюртмачиси тендерни айна ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

3.23 Электрон тендер харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг тендер таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

3.24 Тендер таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

тендер таклифининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;

иштирокчининг малака талабларга (тендер ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;

тендер таклифининг техник қисмини баҳолаш;

тендер таклифининг нарх қисмини баҳолаш.

Бунда электрон тизим тендер таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни тендер таклифининг олдинги қисми баҳоланиши яқунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.

3.25 Агар тендер таклифи Қонуннинг ва тендер ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Тендер таклифи тендер ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

3.26 Иштирокчининг тендер таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

3.27 Электрон тендер ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган тендер таклифларини баҳолаш тендер ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади. Давлат буюртмачиси иштирокчиларнинг тендер таклифларини баҳолаш усулини (энг паст нарх усулини ёки балл усулини) ва мезонларини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун киритади.

3.28 Тендер таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон тендер иштирокчиларидан уларнинг тендер таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

3.29 Тендер таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

Тендер ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгиланган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

3.30 Миқдор кўрсаткичларига асосланган мезонларни баҳолашда:

тендер ҳужжатларида кўрсаткичларнинг энг кам ва энг кўп қийматлари белгиланиши мумкин;

миқдор кўрсаткичлари энг кам ва энг кўп ҳисобга олинандиган қийматлари оралиғида бўлган иштирокчилар учун балл коэффициенти унинг миқдор кўрсаткичининг энг кам ва энг кўп ҳисобга олинандиган қийматларининг фарқига бўлган нисбатини аниқлаш орқали ҳисобланади;

агар маълум бир мезон бўйича иштирокчининг миқдор кўрсаткичи тендер ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ энг кам ҳисобга олинандиган қийматидан кам бўлса, иштирокчига энг кам балл қўйилади;

агар маълум бир мезон бўйича иштирокчининг миқдор кўрсаткичи энг кўп ҳисобга олинандиган қийматидан юқори бўлса, унинг кўрсаткичи

энг кўп ҳисобга олинадиган қийматидан қай даражада юқорилигидан қатъи назар унга ушбу мезон бўйича энг юқори балл берилади;

миқдорий ёки эксперт мезонини баҳолаш электрон тизим томонидан баллни ушбу мезоннинг ҳисобга олинадиган қийматига кўпайтириш орқали автоматик равишда амалга оширилади.

3.31 Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хоссалари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, харид комиссияси иштирокчиларга шартномани бажариш учун зарур профессионал ва техник малака маълумотларига, касбий ва техник компетенцияга, молиявий ресурсларга, жиҳозларга ва бошқа моддий имкониятларга, бошқарув малакага, ишончлилигига, тажрибага ва обрўга, шунингдек инсон ресурсларига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун қўшимча мезон ва талабларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Бунда иштирокчиларни камситишга олиб келиши мумкин бўлган мезонларни, талабларни ва тартиб-таомилларни қўллашга йўл қўйилмайди.

3.32 Тендер ҳужжатларида электрон тендер иштирокчисининг малака талабларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон тизимга бириктирилиши назарда тутилиши мумкин. Давлат буюртмачиси тендер ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар бўйича иштирокчининг малакасини баҳолашга ёки тендер ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли эмас.

3.33 Тендер ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

тендер таклифининг техник ва нарх қисимларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда). Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, тендер таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади;

тендер таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон тендерда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.34 Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3.35 Тендер таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллайди.

Харид комиссияси аъзолари йиғилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

3.36 Тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қуйидаги ахборот бўлиши керак:

тендер таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт тўғрисида;

ҳозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва электрон тендер иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақида;

тендер таклифлари кўриб чиқилган электрон тендер иштирокчилари тўғрисида;

тендер таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган электрон тендер иштирокчилари ҳақида;

электрон тендер ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида;

электрон тендер ғолибининг номи (юридик шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахс учун), турган жойи (почта манзили).

3.37 Электрон тендернинг исталган иштирокчиси тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига электрон тендер натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

3.38 Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида электрон тендер иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

3.39 Электрон тендер ўтказиш натижаларига кўра шартнома электрон ҳужжат шаклида тузилади, томонларнинг электрон рақамли

имзолари билан тасдиқланади ва оператор томонидан шартномалар реестрига киритилади.

#### **IV. Электрон дўкандан фойдаланиш тартиби**

4.1 Электрон дўкон махсус талаблар татбиқ этилмайдиган истеъмол товарларининг ва бошқа товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга ошириш учун мўлжалланган махсус ахборот порталидаги махсус майдончадир.

4.2 Электрон дўконда қуйидаги давлат харидлари амалга оширилиши мумкин:

бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача қийматдаги товарларнинг;;

бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача қийматдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат харидлари амалга оширилиши мумкин.

#### **V. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукциондан фойдаланиш тартиби**

5.1 Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион (бундан буён матнда аукцион деб юритилади) давлат харидларининг рақобатли усули бўлиб, уни ташкил этишда нарх иштирокчини танлашнинг ягона мезони бўлади ва бунда мазкур норма товарларни белгиланган сифат стандартларига мувофиқ ҳолда етказиб бериш талабини бекор қилмайди.

5.2 Товарни эълонда баён этилган шартлар асосида энг паст нарх бўйича етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукционнинг ғолиби бўлади.

5.3 Товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорини ташкил этиши талаб этилади.

5.4 Давлат буюртмачиси томонидан рақобатни ошириш мақсадида ҳар бир лотда максимал даражада кам турдаги бозор сегментациядан келиб чиқиб товарлар жойлаштирилиши шарт. Айни бир лотда икки турдаги товарлар жойлаштирилишиги йўл қўйилмайди.

#### **VI. Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш тартиби**

6.1 Давлат буюртмачиси электрон кооперация биржаси порталида товар жойлаштирган етказиб берувчилар билан электрон тарзда шартнома тузади.

6.2 Давлат буюртмачиси электрон кооперация биржаси порталида етказиб берувчиларнинг таклифларини ўрганиш орқали ўзи учун мақбул бўлган товарни танлайди (танлов жараёнида товарнинг ТНВЭД кодига мос келишини текширишга Давлат буюртмачиси масъул) ва мажбурий тартибда нархлар сўрови механизмидан фойдаланади.

6.3 Электрон кооперация биржаси портали автоматик тарзда офертани таклиф этган етказиб берувчига ҳамда ушбу порталда ўхшаш товарни таклиф этаётган бошқа етказиб берувчиларга нарх сўровини юборади.

6.4 Етказиб берувчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларни таққослаш электрон кооперация биржаси портали томонидан автоматик тарзда амалга оширилади.

6.5 Электрон кооперация биржаси порталида шартнома давлат буюртмачиси томонидан танланган етказиб берувчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда етказиб берувчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шакллантирилади.

6.6 Давлат буюртмачиси томонидан ЭРИдан фойдаланган ҳолда электрон кооперация биржаси порталида тузилган шартнома тегишли шаклда тузилган ҳисобланади.

## **VII. Тармоқ корхоналари ўртасидаги муносабатлар**

7.1 Ўзбекистон Республикаси Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 2021 йил 27 январдаги 8-сонли йиғилиш баёнига асосан махсус ахборот портали харажатларини қисқартириш орқали, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини пасайтириш мақсадида, тармоқ корхоналари ўртасида товар (иш, хизматлар) хариди бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат этилади.

## **VIII. Яқунловчи қоида**

8.1 Ушбу Харидлар сиёсати талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

8.2 Низолар ва келишмовчиликлар юзага келганда, томонлар уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўради, акс ҳолда давогар томон ҳудудий судида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.